


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 15 август, № 164 (8787) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 август куни камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.**

Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга мадад беришга киришди. Молиявий-ташкилий чоралар кўрилиб, тизим жорий қилинди. Бу ўз самарасини бериб, узоқ йиллар оғир вазиятда бўлган 3 миллиондан зиёд одамларнинг шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Ҳозиргача бўлган тизим билан натижадорликни ошириш қийин. Камбағал оилани танлашда аниқлик, уларни бу ҳолатдан олиб чиқиш ва маблағ ажратишда яхлитлик етишмайди.

Шу йил 12 июль куни Фарғона вилоятида ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борада янгича ёндашувлар кераклиги, энди камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бир тизимда бўлишини айтган эди.

Тақдимотда ушбу икки соҳани мутаносиб ривожлантириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва манзилли рўйхати шакллантирилади. Жумладан, унга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ҳамда камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилади. Бундай оилалар “маҳалла еттилиги” ва фаоллари томонидан овоз бериш йўли билан тасдиқланади. Камбағалликдан чиқаришга қаратилган барча ижтимоий хизмат ва ёрдамлар “Инсон” марказлари томонидан амалга оширилади.

Камбағаллик омилларини ўрганиш учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида 8 та йўналишда ягона саволнома ишлаб чиқилади. Шу асосда оилаларнинг имкониятлари баҳоланиб, 3 тоифага ажратилади. Ҳар бир оилага индивидуал ёндашилиб, “оёққа туриши”га кўмаклашилади.

Шу тахлит камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам шакллантирилади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва ҳокимликлар томонидан ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олиниб, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб борилади.

Бугунги кунда ҳоким ёрдамчиларига 20 дан ортиқ вазифалар юклатилган. Шу сабабли камбағалликни қисқартириш масаласи иккиламчи даражага тушиб қолган. Энди ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, асосий эътибор камбағалликни қисқартириш ва улар бандлигини таъминлашга қаратилади.

Ҳар йили камбағалликни қисқартиришга 14 триллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағ 40 турдаги молиявий воситалар орқали 10 га яқин идоралар томонидан берилмоқда, ягона ёндашув йўқ. Шу боис бу тизим ҳам ўзгартирилади. Маблағлар ҳудуд, туман ва маҳаллалар кесимида камбағал оилалар сонидан келиб чиқиб, мос равишда агентлик ва ҳокимликлар томонидан тақсимланади. Бунда маблағлар, биринчи навбатда, оилани камбағалликдан чиқаришга йўналтирилади.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар ижроси бўйича 3 босқичда — маҳалла ва туман, вилоят ҳамда республика даражасида мониторинг ташкил қилинади. Бу борада жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Иш ўринларини захиралаш амалиёти ўрнига эҳтиёжманд кишиларни ишга олган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилинади. Бўш иш ўринлари тўлиқ рақамлаштирилади. Буюртмачини касаначи ва фрилансерга боғлайдиган онлайн платформа ташкил қилинади. “Ишга марҳамат” мономарказларида камбағал фуқароларни хизматлар соҳасида замонавий касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

— Охирги йилларда тўпланган тажриба ва одамларнинг эҳтиёжидан хулоса қилиб, камбағалликни қисқартиришни янги босқичга олиб чиқиш керак. Эҳтиёжманд инсонларнинг хоҳиши ва имкониятини қўллаб-қувватлаб, ҳаётга, жамиятга олиб кириш зарур. Умуман, ҳар қандай ижтимоий ёрдам пировардида бандликка боғланиши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга ижтимоий кўмакларнинг манзиллилиги ва шаффофлигини таъминлаш, бандлик ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада янги ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, ўзининг ташаббускорлиги, замонавий билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатиб келаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Ачилов Нурмухамед Нуруллаевич** — Ғиждувон туманидаги «Parvoz Humo Ravnaq Trans» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Турдалиев Бохиржон Илхомович** — Бешариқ туманидаги «Водий наслли парранда» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаев Абдувайид Толибжонович** — Асака туманидаги «Асакатекстиль» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Андижон вилояти

**Араббаев Хусан Жамалитдинович** — Чиноз туманидаги «Юлдуз» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Гальперин Леонид Владимирович** — «Тошкент қувур заводи» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

**Даниев Абдушукур Жайловович** — Муборак туманидаги «Шодлик пахта-дон кластери» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Каримов Акмал Акбарович** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Krantas» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Костоев Магомед Эзманович** — Риштон туманидаги «Kosto Line Holding» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Мамуров Шарифжон Рахимович** — Бухоро туманидаги «LKW-Service» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Муминов Абдулхамид Махмуджанович** — Давлатобод туманидаги «Саодат саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Пардаев Баходиржон Абдималикович** — Оқолтин туманидаги «Занжирли шамшир» туяқушчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Пардаев Жамшид Музаффарович** — Термиз иқтисодиёт ва сервис университети таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Рустамов Илхом Асламович** — Самарқанд шаҳридаги «Ahmadbek Qurilish Trio» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

**Узакбаев Адилбай Азатбаевич** — Нукус туманидаги «Qareken Sazani» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хаитов Акбарали Киличевич** — Пахтакор туманидаги «Best Gold Crown» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

## «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, юртимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги катта хизматлари, соҳага илғор инновацион, «яшил» ва рақамли технологияларни жорий этиш, сармоялар ҳажмини кўпайтириш, иш ўринлари яратишга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлансин:

**Алламбергенов Шарипбай Оразимбетович** — Тахиатош туманидаги «Гулсара пиллачи» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Базарбаева Гулбахар Утебаевна** — Нукус шаҳридаги «Qanli Xantore» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жаркинбаев Салават Мирзакулович** — Элликқалъа туманидаги «Bo‘ston Silk» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султанов Телман Разумович** — Элликқалъа туманидаги «Рўзимбой бобо» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Турекеев Азамат Утебаевич** — Чимбой туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, ҳунарманд-ўтов ясовчи, Қорақалпоғистон Республикаси

**(Давоми 2-бетда).**

**Олий Мажлис Сенатида**

## ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНИНГ ЭЛЛИК БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ САНАСИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ



*Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Сенатнинг эллик бешинчи ялпи мажлисини 2024 йил 15 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.*

Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, кун тартибидан “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун, бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилиш ва Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳам ўрин олган.

Навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхатини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, соҳанинг бошқариш механизмларини ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ижроси бўйича ахборотини эшитиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

**«Халқ сўзи».**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси 2024 йил 15 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлисни видеоконференцалоқа тарзида ўтказиш режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Биз ва жаҳон**



## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИ БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

***13 август куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Бош Ассамблея томонидан “Деградацияга учраган ва қурғоқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечими” резолюцияси бир овоздан қабул қилинди.***

Мазкур резолюция Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини кўкаламзорлаштириш орқали биохилмахилликни сақлаш ва тиклашга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий дастури концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

Ҳужжатда давлатимиз раҳбари томонидан Бош Ассамблеянинг 78-сессияси ва БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 28-конференциясида иқлим ўзгаришига ва ерларнинг деградациясига қарши самарали курашиш бўйича билдирган асосий таклифлари ўз ифодасини топган.

Резолюцияга 100 дан ортиқ аъзо давлатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари, Озарбайжон, Австрия, Бельгия, Баҳрайн, Венгрия, Германия, Италия, Иордания, Индонезия, Қатар, Хитой, Саудия Арабистони, Латвия, Мўғулистон, Марокаш, Ўмон, БАА, Покистон, Португалия, Россия, Корея Республикаси, Туркия, Франция ва дунёнинг турли минтақаларини ифодаловчи бошқа давлатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Резолюцияда ўрмонларни барқарор бошқариш ва дарахт ўтқазишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик афзалликлари ҳар томонлама қайд этилган. Уларнинг биологик хилмахилликни ошириш, иқлим ўзгариши ва ҳаво ифлосланиши оқибатларини юмшатиш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қўшган ҳиссаси, жумладан, камбағалликка барҳам бериш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳиссаси алоҳида таъкидланади.

Резолюциянинг ўзига хос хусусияти унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сўнгги илмий йўналишларга мувофиқлигидир. Шунингдек, экологик тоза ва экотизимга асосланган усуллардан фойдаланган ҳолда биологик хилмахилликни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида БМТга аъзо мамлакатларга дарахт экиш соҳасида аниқ тавсиялар берилади.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Махл билан учрашди.*

### Учрашув

Унда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида амалга оширилаётган самарали лойиҳалар ва истиқболдаги режалар, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенгликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Сабина Махл кейинги йилларда Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотларни, жумладан, очиқлик сиёсати туфайли юқори натижалар қайд этилаётганини, бу эса бошқа мамлакатларга намуна бўлаётганини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, мулоқот давомида “Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” доирасидаги ишларни биргаликда амалга ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш таклифлари ҳам илгари сурилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Халимов Шухрат Закирович** — Урганч шаҳридаги «Урганч бахмал» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Хоразм вилояти

**Шакиров Жамшид Абдугаппарович** — Навоий шаҳридаги «Uzbekistan Hydrogen Peroxide» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Камолов Мирсаид Шавкатович** — Бухоро шаҳридаги «Truck Profi» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Самиқжонов Бекзод Алишер ўғли** — Учтепа туманидаги «Sofiya qandolat» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдурахимов Мухсин Муминович** — Учкўприк туманидаги «Kokand Bicycles» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Абсаттаров Абдулвахаб** — Термиз шаҳридаги «Термиз қурилиш индустрия саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Бекмирзаев Бахтиёр Содиқжонович** — Наманган туманидаги «Nam Motor Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Ғиёсов Абдинаби Камолович** — Яккабоғ туманидаги «Кумуш куз файзи» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Ибодуллаев Умаржон Ғайбуллаевич** — Ургут туманидаги «Bekmez Carpet» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Каримов Абдумўмин Джаббарович** — Шароф Рашидов туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти

**Каюмов Хусамиддин Хуснутдинович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Mak Food Servis» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Норбаев Мансурбек Шоназарович** — Урганч шаҳридаги «Urganch Textile Carpets» масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

**Ташмухамедова Мухаббат Бахтиёровна** — Чилонзор туманидаги «Нурафшон-Нур» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри

**Телакова Сураё Рамазановна** — Паркент туманидаги «Shabnam Elegant» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Тиллабаев Хадиятулло Ахмадуллаевич** — Андижон шаҳридаги «Dinar Tekstil» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Халилов Баходир Хамитович** — Наманган шаҳридаги «Sifat yog'och sanoat» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Хамраев Рустам Элмуратович** — Жиззах шаҳридаги «Шароф Рашидов номидаги тўқимачилик комбинати» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Шаматова Шоирахон Алимовна** — Сайхунобод туманидаги «Олимжон қизи Шоирахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Элова Саодат Ахтамовна** — Учқудуқ туманидаги «Choco Life» оилавий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Эшонкулов Шокир Хамдамович** — Пайариқ туманидаги «Silver Green Tea» оилавий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Юлдашев Хуршид Рузмаметович** — Тўрткўл туманидаги «Тўрткўл шиша идишлари» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Юсупов Хурсандбек Убайдуллаевич** — Шаҳрихон туманидаги «Saxovat Teks» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

# «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Уразбаев Ажинияз Абдреймович** — Нукус шаҳридаги «Orient Technology» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдураимов Абдурашид Абдурахмон ўғли** — Шаҳрихон туманидаги «Mebel Esse» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Джураев Ифтихор Абдураимович** — Қўрғонтепа туманидаги «Ягона шарқ замини» хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

**Мамажанов Усмонжон Абдусаматович** — Олтинкўл туманидаги «Mubina Grand Tekstil» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Мамирбеков Боходиржон Бахтиёржон ўғли** — Олтинкўл туманидаги «Шоҳона мебель» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Мирзаджонов Олимжон Арифжонович** — Шаҳрихон туманидаги «Original Invest Dizayn» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Мухитдинов Зухриддин Идиёминович** — Андижон туманидаги «Андижон яшил энергияси» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Режапов Бобурмирзо Махмуджонович** — Булоқбоши туманидаги «Кўҳна булоқ» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Хушназаров Зиёвутдин Икромович** — Жалақудуқ туманидаги «Обод диёр ниҳоли» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Беков Содиқжон Абдуллаевич** — Ғиждувон туманидаги «Bek Bags-Business» оилавий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Джураева Мастура Гайбуллоевна** — Когон туманидаги «Buxara-Tehron» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Исмаилов Бахритдин Сафарович** — Бухоро шаҳридаги «Pasquale» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Кенжаев Анвар Амандиллаевич** — Вобкент туманидаги «Заҳро юлдузи» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Тўхтаев Фаррух Мустақимович** — Ғиждувон туманидаги «Buxoro Fayz Tekstil» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Усмонов Рустамжон Очилович** — Жондор туманидаги «Абдул Боқи Раҳмон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Хамдамов Нодир Мухаматович** — Когон шаҳридаги «Akbarjon Barakat» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Абилхаев Юсуф Абдалимович** — Бахмал туманидаги «Baxmal Gold Grain» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Ғазибеков Элёр Эсанкулович** — Бахмал туманидаги «Melon Trade» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Ибрагимов Зайниддин Махкамович** — Пахтакор туманидаги «World Trading Company» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Исаков Васидбек Ойбекович** — Шароф Рашидов туманидаги «Oybek Super Trans» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Курбонов Сардор Алимжонович** — Жиззах шаҳридаги «Nurli To'lqin Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Мелибоев Жамшид Валижонович** — Пахтакор туманидаги «Paxtakor Gold Textile» масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари, Жиззах вилояти

**Норбеков Шерзод Бахромович** — Фориш туманидаги «Responsible Travel» туризм фирмаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Якубова Мархабо Умаржановна** — Шароф Рашидов туманидаги «Jizzax Bek-Star» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

**Жабборов Анвар Норбоевич** — Ғузор туманидаги «Жаҳонгир Норбой ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Жалолов Ғани Нуруллаевич** — Чироқчи туманидаги «Чироқчи буюрсин текстиль» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Маннонова Махлиё Носиржоновна** — Шаҳрисабз шаҳридаги «Шаҳрисабз ҳунармандлари кластери» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Ортиқов Салохиддин Жамолович** — Яккабоғ туманидаги «Одинабону орзуси» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Саидов Акрам Рустамович** — Китоб туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қашқадарё вилояти

**Фарманов Мурадали Каримович** — Қамаши туманидаги «Murodali Farm Tekstil» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Қашқадарё вилояти

**Холияров Сирожиддин Ражабович** — Қамаши туманидаги «Rossvik Tashkent» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Шукуров Илҳомжон Каримович** — Қарши шаҳридаги «Safe Collection» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Бобоев Шодибой Қиличевич** — Нурота туманидаги «Сентоб-Шахи-Мустафо» хусусий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Джиенбаев Ернур Еркинович** — «Shamol Zarafshan Energy» масъулияти чекланган жамияти лойиҳа катта менежери, Навоий вилояти

**Жу Донглианг** — Кармана туманидаги «Zarafshon Industrial Technology» хорижий корхонаси директори, Навоий вилояти

**Жўраев Феруз Ғайратович** — Навоий шаҳридаги «Petrawool» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**Зарипов Одил Ғуломович** — Навоий шаҳридаги «Navoiy Kompozit» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Зохидов Жамшид Ихтиёрович** — Кармана туманидаги «Javlonbek Baraka Non» оилавий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Курбанов Жандарбек Оралбекович** — Томди туманидаги «Balg'inbek-Dulatbek» туячилик фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Насуллоев Хомиджон Эркинович** — Зарафшон шаҳридаги «Erkin Emina Express Tour» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Азизов Акрам Ахатханович** — Давлатобод туманидаги «Fahr Nur Servis» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Гиязов Жавлон Мухаммадович** — Давлатобод туманидаги «Paper Box Invest» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Зокиров Обиджон Собиржон ўғли** — Уйчи туманидаги «Uychi Med Diagnoz» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Ибрагимов Юсуфжон Камилджанович** — Уйчи туманидаги «Nafis-Charm» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Мамаюсупов Абдулвохид Абдулбори ўғли** — Наманган шаҳридаги «Master Class Dizayn Lider» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Мурадов Абдусаттор Асатуллаевич** — Наманган шаҳридаги «Flat Tile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Муратов Рашид Бориевич** — Чуст туманидаги «Наманган цемент» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Умаркулов Шокиржон Махамадаминович** — Учқўрғон туманидаги «Мусаффо барака савдо бизнес» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Абулкасимов Нажмиддин Турсунович** — Иштихон туманидаги «Mitan Yog'du Elektrik» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Мирбобоев Шахоб Асатилло ўғли** — Ургут туманидаги «Urgut Mikro Metal» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Набиев Абдували Пардаевич** — Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд керамика черепица» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Саттаров Джамшед Саломович** — Самарқанд шаҳридаги «Samled» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Усанов Исропил Хушбокович** — Самарқанд шаҳридаги «Zamin Travel» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Хаджиев Гайратжон Хусенович** — Самарқанд шаҳридаги «Армас» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Хакбердиев Зафар Рустамович** — Пастдарғом туманидаги «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Хамроев Акобир Асрорович** — Оқдарё туманидаги «Tango Plast» оилавий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Гафуров Мурат Хамдамович** — Сирдарё туманидаги «Baxtteks-Farm» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Гаюпов Ғуломжон Алиқулович** — Гулистон шаҳридаги «Меҳр водийси» унитар корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Данишев Бахриддин Хабибуллаевич** — Янгиер шаҳридаги «New-Zomin-Sardor» оилавий корхонаси таъсисчиси, Сирдарё вилояти

**Мирсаидов Хондамир Улугбекович** — Мирзаобод туманидаги «Баракали тухумлар» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

**Нурматов Зайниддин Муратович** — Сайхунобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сирдарё вилояти

**Ахмедов Жамшид Шухратович** — Жарқўрғон туманидаги «Parranda Kompleks Savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Казаков Курбонали Рамазонович** — Денов туманидаги «Қурбонали текстиль» оилавий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Каримов Алимардон Абдухалилович** — Термиз шаҳридаги «Brightly Mega Water» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Мирзаев Камол Абдивохитович** — Қизириқ туманидаги «Мирзаев Камол Абдивохидович» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Нархамедов Фуркат Хаматович** — Термиз туманидаги «Олис осмон» хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Холиқова Феруза Ашурқуловна** — Бойсун туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, ҳунарманд-каштачи, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаев Фуркатилла Шукурович** — Тошкент туманидаги «Муҳаммад ишонч агро» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Акрамов Тимурбек Тулкинович** — Қуйи Чирчиқ туманидаги «Sanfa Engineering» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Тошкент вилояти

**Захидов Хожиакбар Мирсадикович** — Нурафшон шаҳридаги «Textile Mill Tashkent» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Илхамов Шавкат Шарифович** — Қибрай туманидаги «Navruz International Corp» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Миванчинов Рустам Манеевич** — Ўрта Чирчиқ туманидаги «Манаев агро кластер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Муталов Отабек Хакимжонович** — Тошкент туманидаги «Promeat Group Corp» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Хасанова Холида Муратовна** — Нурафшон шаҳридаги «Guzelsoy» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Юнусов Сухробджон Абдукахорович** — Паркент туманидаги «Hilal Tekstil» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Абдурасулов Элмурод Ташпулатович** — Қувасой шаҳридаги оилавий корхона раҳбари, Фарғона вилояти

**Акбаров Саидахмад Абдуҳамидович** — Риштон туманидаги «Моҳи Диёр Рошидон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Носиров Жахонгир Мансурович** — Бешариқ туманидаги «Beshagro Eksport» масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

**Парпиев Шерзод Аликович** — Фарғона шаҳридаги «Davr-Ru» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Умарова Марифатхон Юлдошовна** — Данғара туманидаги «Vodiy Expo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Усмонова Гулнора Хошимжоновна** — Бағдод туманидаги «Гулнора Матқулобод бодомлари» ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари, Фарғона вилояти

**Хайруллаева Зебинисо Зикиреевна** — Фарғона шаҳридаги «Тантана текстиль» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Эркабоев Шерзоджон Махмудалиевич** — Бешариқ туманидаги «Sherwood Dizayn» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Джуманязова Замира Эгамбердиевна** — Қўшкўпир туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, ҳунарманд-ёғоч ўймакори, Хоразм вилояти

**Ёрметов Азимбой Рўзимович** — Шовот туманидаги «Шовот темир-бетон» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**Рўзметова Зарафшон** — Хива шаҳридаги «Hotel Zarafshon Boutique» оилавий корхонаси таъсисчиси, Хоразм вилояти

**Сабиров Дониёрбек Қувондиқович** — Урганч шаҳридаги «Eco Obi Hayot» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Саидов Тўлқинбек Икромбаевич** — Ҳазорасп туманидаги «Тўлқин инновацион ФМ мактаби» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Хасанов Расулбек Сабирович** — Гурлан туманидаги «Ихлосбек» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Асралходжаев Фаррух Фаёзхонович** — Олмазор туманидаги «Solar Nature» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Дусмухамедов Омон Хамидович** — Учтепа туманидаги «Akmal Umid Baraka» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Ибрагимов Бунёдбек Абдушарипович** — Япония давлати Нагоя шаҳридаги «Global Silk Road Inc» компанияси таъсисчиси

**Иргашев Умид Мухамедкаримович** — Чилонзор туманидаги «Feed Up» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Камилов Мирзабаходир Мирзакалонович** — Янгиҳаёт туманидаги «Artikul Aziya Kabel» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри

**Махмудов Шерзод Суръатович** — «Korzinka.uz» супермаркетлар тармоғи тижорат директори, Тошкент шаҳри

**Розметов Зиявиддин Мутанович** — Юнусобод туманидаги «Ro'zmetov Z.M» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Салихов Валиджан Кучкарович** — Олмазор туманидаги «Zafarxon» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, «Ermak» савдо белгиси асосчиси, Тошкент шаҳри

**Тухтаев Бахтиёр Баходирович** — Яккасарой туманидаги «Solidity Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Шералиев Бобир Кадирович** — Бектемир туманидаги «Texno Invest Proekt» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 август

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

*Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги сайёр мажлиси Тошкент вилоятида ўтказилди. Унда вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси атрофлича муҳокама қилинди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Таъкидланганидек, 2017 — 2023 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 1,4 бараварга ошган. ЯҲМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши етти йил олдинги 10,2 млн. сўмдан 35,7 млн. сўмга етган.

Шунингдек, ушбу даврда саноат ҳажми 1,6 баробар, қурилиш ишлари — 2,9, бозор хизматлари — 1,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,1 баробар ошган. Учта эркин иқтисодий зона, 56 та кичик саноат ҳамда 15 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Инвестиция дастурлари доирасида 4,5 мингдан зиёд лойиҳалар ишга туширилган ва шу тариқа 143 минг аҳолининг бандлиги таъминланган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилнинг бошида 23 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб 59,7 мингтага етган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари доирасида 233 та давлат мактабгача таълим муассасасида қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 1,7 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил қилиниши ҳисобига қамров 39,1 фоиздан 70,9 фоизгача ошган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар ҳудудда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга вилоятда иқтисодий ўсишни таъминлаш, тадбиркорлик ҳамда маҳаллий саноатни ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги камчиликлар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида ўсиш суръати Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларида ҳамда Нурафшон шаҳрида таъминланмаган. Ҳудудий экспорт прогнози кўрсаткичлари ижроси Қибрай, Бўстонлиқ ва Тошкент туманларида бажарилмаган.

Осиё тараққиёт банки иштирокида Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш лойиҳаси доирасида 4 та мактаб лойиҳаси учун ер участкалари ажратилмаган ва лойиҳанинг концепцияси ишлаб чиқилмаган.

Ҳудудий бандлик дастури доирасида инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига яратилган янги иш ўринларида аҳолини банд қилиш режаси Пискент, Бўка ва Оҳангарон туманларида вилоят кўрсаткичидан паст даражада ижро этилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида доимий иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичи Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Қуйи Чирчиқ ва Қибрай туманларида бажарилмаган.

"Аёллар дафтари"даги ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда Бўстонлиқ, Янгийўл ва Қибрай туманларида мавжуд бўш турган ҳамда янги яратилган иш ўринларидан самарали фойдаланилмаган.

Ўз навбатида, мажлисда сенаторлар томонидан мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш лозимлиги қайд этилди. Ҳудуднинг салоҳияти, географик жойлашуви, табиий ва минерал ресурсларини ҳисобга олган ҳолда янги турдаги юқори технологик, инновация ва фан ютуқларига асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш таклифлари билдирилди.

Шунингдек, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ойда дастурлар доирасида белгиланган вазифалар ижросига масъул идораларнинг ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиши, бу борада масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриши зарурлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШУВ

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходимлари ҳамда иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот ёшлар етакчилари Олий Мажлис Сенатида бўлди.*

Учрашувда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, йигит-қизларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини шакллантиришда ҳамкорлик қилиш, талаба-ёшларни қонун ижодкорлиги жараёнлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси борасида жамоатчилик мониторингини олиб боришга жалб этиш, семинар, конференция ҳамда давра суҳбати каби тадбирларни биргаликда ўтказиб боришдан иборат.

Меморандумда Ёшлар парламенти Ёшлар иттифоқи билан қатор йўналишларда ҳамкорлик олиб бориши белгилаб қўйилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уларнинг муаммо ва таклифларини масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш, сиёсий-ҳуқуқий руҳдаги медиалойиҳаларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Учрашувдан сўнг иштирокчилар Сенат биноси ва унинг фаолияти билан танишиб, Ёшлар парламентининг мақсад ва вазифалари ҳамда ташкилий тузилмаси ҳақида атрофлича маълумот олди.

**«Халқ сўзи».**

**Ўзбекистон каратэчилари Токиодаги халқаро мусобақада 30 та медални қўлга киритди.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

*Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш чоралари ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда. Жумладан, 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди. Президентимизнинг 2021 йил 19 майда "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.*

## Мушоҳада

Дарҳақиқат, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бу ҳақда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасида кўрсатилган. Шунингдек, ушбу жавобгарлик чоралари ва турлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳамда Жиноят кодексида батафсил белгиланган.

Шу ўринда тазйиқ ва зўравонликнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, оғирлик ва хавфлилик даражаси, малакалаш шартлари мавжудлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, **тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик, таъқиб этишда кўринади.

**Зўравонлик** эса хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай чораларни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимояланадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ўзида ифодалайди.

Зўравонликнинг руҳий, жисмоний, жинсий, иқтисодий каби бир неча турлари мавжуд.

Айрим ҳуқуқий адабиётларда тазйиқ ва зўравонликдан ташқари таъқиб этиш ҳаракатлари ҳам содир қилиниши ҳақида кўрсатилган. Зўравонликнинг алоҳида тури сифатида малакаланган.

**Таъқиб этиш деганда,** жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатганига ёхуд огоҳлантирганига қарамай содир қилинадиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар тушунилади.

**Ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир қилган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат. Ушбу ҳужжат азобланган, зўрлик ишлатилган, таъқиб остида қолган шахс ҳаракатларини кейинги босқичларда малакалаш учун асос бўлади. Ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир қилишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси тақдим этилади. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиришга йўл қўйилади, бу борада жабрланувчининг илтимосномаси асосида қарор чиқарилади.



Шахслар зўравонлик, тазйиқ, таъқиб этганлик учун қонунда белгиланган тартибда мустақил (бевосита ва билвосита) жавобгарликка тортилади. Ёки айрим жиноятларнинг оғирлаштирувчи белгиси сифатида малакаланади ва жавобгарликка тортилади.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $46^1$-моддаси "Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш" деб номланиб, унга кўра "Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш" базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан қирқ бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 136-моддасига кўра, "Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш" жиноят сифатида малакаланади ҳамда аёлни турмушга чиқишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Хотин-қизларни зўравонлик шаклларидан сақлаш ва ҳимоя қилиш чораларини ҳамда уларнинг кафолатларини яратиш ва таъминлаш мақсадида яна бошқа қатор (жумладан, турдош қонунларга) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, тегишли нормаларга, қисмларга (бандларга) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати сезилмоқда.

Фуқаролик судларида тазйиқ ва зўравонлик учун жавобгарликка тортилган шахслардан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш ҳолатлари бўйича фуқаролик ишлари кўрилмоқда. Судга мурожаат этувчи субъектлар доираси кенгайтирилиб, уларга судга мурожаат қилишда (айнан зўравонлик, тазйиқ ҳолатлари бўйича) давлат божидан озод этиш имтиёзи белгиланди. Масалан, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси "Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинувчилар рўйхатига янгилик (тўлдириш) киритилиб, даъвогарлар — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан (изоҳ: қонуннинг 8-моддаси биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-640-қонунига асосан $5^1$-банд билан тўлдирилган) давлат божидан озод этилди. Шу орқали жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари тўлақонли ҳимоя қилиняпти, уларнинг судга мурожаат этишда моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олинмоқда. Шунингдек, жабрланувчиларнинг манфаатларида судга мурожаат қилувчи идораларнинг ваколат доираси кенгайтирилмоқда ва ўз навбатида, уларнинг ҳам молиявий ҳолати ҳимояланмоқда.

Айни пайтда юртимизда ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тизимида, хусусан, кенг аҳоли ўртасида **"Оилавий (маиший) зўравонликлардан ҳимоялаш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси** кенг муҳокама қилинмоқда.

**Тақдим этилган лойиҳадаги ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тўлдиришларнинг зарурати:**

- хотин-қизлар ва болаларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонликлар ортишига чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш;
- оилавий (маиший) зўравонликлардан ҳимоялаш чораларини янада кучайтириш;
- жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг янги ва махсус турларини жорий этиш;
- бундай турдаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан енгиллаштирувчи нормаларни бекор қилиш ва жавобгарликни янада кучайтириш.

**Ишланаётган қонун лойиҳасининг мақсади** хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқнинг барча шаклини бартараф этишга эришиш, бу борада жиноят ва маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва унинг янги турларини жорий қилишга қаратилган.

**Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки,** хорижий давлатлар (Швеция, Швейцария, Болгария, Австрия, Испания, Германия) жиноят қонун-ҳужжатларида оилавий зўравонликлар учун умумий асосларда ёки алоҳида моддаларда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик чоралари мавжуд.

**Қонун лойиҳаси (ўзгартириш, қўшимча ва тўлдиришлар) орқали қуйидагиларга эришилмоқда:**

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-бўлими Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари (17-боб) туркумига янги мажбурлов чораси киритилмоқда.
- Шахснинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича мажбурлов чоралари қўлланилиб, янги институт вужудга келмоқда, амалдаги боб янги чора билан тўлдирилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $126^1$-моддаси диспозициясига айнан "...болага нисбатан..." жумласи қўшилиб, оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддаси ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар доираси янада кенгайтирилиб, "$15^1$-модда судланувчининг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича мажбурлов чораларини қўллаш зарурати..." асоси (янги банд) билан тўлдирилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг амалдаги $59^2$-моддаси диспозицияси янги "...жумладан, болага нисбатан...." жумласи билан тўлдирилиб, болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Ўз навбатида, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нормалари мувофиқлаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу киритилаётган ўзгартиришлар жамиятимизда хотин-қизлар, ҳимояга муҳтож қатламларни, жумладан, бола ҳуқуқларини, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш баробарида жамиятимизда турли ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар (айниқса, оилага қарши жиноятлар) содир бўлиши, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар камайишига, оилавий қадриятлар топталмаслигига, никоҳ муносабатларида жиддий муаммолар (ажримлар, таъминот билан боғлиқ даъволи ишлар) келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Гулнора МАЪРУФОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қуйи палата Спикери Н. Исмоилов мажлис аввалида Ўзбекистон спортчиларининг "Париж — 2024" ёзги Олимпия ўйинларида эришган ютуқлари билан самимий табриклаб, бу тарихий ғалабалар барчамизга жуда катта ғурур бағишлагани, айниқса, боксчиларимиз дунёда тенгсиз эканлигини намоён этганини айтди.*

Ушбу ютуқлар замирида Президентимиз раҳбарлигида барча жабҳада, шу жумладан, спорт соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилганлиги, спортчиларнинг истеъдоди ва иқтидорини рўёбга чиқариши учун етарли шароитлар яратиб берилаётганлиги ҳамда спорт соҳаси ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мужассамлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституция ва "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида Ўзбекистон ташқи сиёсатида яқин қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш устуворлик касб этаётгани, мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи қардош давлат ва халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларни янги босқичга олиб чиқадиган тарихий воқелик бўлгани, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларининг барча йўналиши батафсил муҳокама қилингани айтилди.

Ялпи мажлисда хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, темир йўл ва транспорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, банклардаги омонатларни кафолатлаш тизимини мустаҳкамлаш, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди.

### Хорижда жазони ўтаётган ватандошларни Ўзбекистонга қайтаришнинг ҳуқуқий асослари

Хорижий давлатлар билан озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони ўташини ҳамда руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволашни давом эттириш учун топшириш борасида келишувлар имзоланган.

Ҳозирда мамлакатимизни 10 та давлат (Италия, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Латвия, Туркманистон, Украина) билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни келгусида жазони ўташ учун ўз юртига топширишни кўзда тутувчи келишувлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимиз МДҲ мамлакатларининг "Мажбурий даволаш ўтказиш учун руҳий касалликка чалинган шахсларни топшириш тўғрисида"ги (Москва, 1997 йил 28 март) конвенциясининг иштирокчиси ҳам ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга кўра хорижий давлат томонидан топширилган маҳкумга нисбатан жазо муддати хорижий давлат ҳукми билан белгиланган жазога мутаносиб равишда ҳисобланиши, шунингдек, чет элда тайинланган жазо тури Ўзбекистонда назарда тутилмаган бўлса, ушбу жазо турига мос келадиган бошқа жазо қўлланилишига доир қоидалар ўрнатилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Темир йўл транспорти соҳасидаги монополия тугатиладими?

Депутатлар темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси билан соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, темир йўл транспортини монополиядан чиқариш мақсадида ташувчиларнинг ҳуқуқлари



билан бирга мажбуриятлари алоҳида белгиланмоқда. Вагонлар (контейнерлар) операторига ўзига тегишли бўлган вагонларни (контейнерларни) ҳақ эвазига юк жўнатувчи, юкни олувчи, ташувчиларга шартномалар асосида тақдим этиш имкониятлари яратиляпти.

Энг муҳими, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, жумладан, темир йўл, темир йўл станциялари, электр таъминоти қурилмалари, алоқа тармоқлари, ҳаракатни бошқариш тизими ва бошқалар учинчи шахсларга сотилиши ёки бегоналаштирилишига рухсат этилмаслиги белгиланиб, инфратузилма операторини инфратузилма объектларидан фойдаланишда ташувчиларга тенг ҳуқуқ бериши, агарда камситувчи ҳаракатлар аниқланган тақдирда, инфратузилма оператори ушбу ҳаракатлар учун жавобгар бўлиши ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида ушбу йўналишда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадида вокзаллар ва темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш, модернизация қилиш ва бошқариш учун хусусий шерикка бериш мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Фуқароларнинг банклардаги омонатлари кафолатланади

"Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата мажлисида биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидландики, дунё молия бозорларидаги нобарқарорликлар шароитида банкларга омонатларни қўйишда унинг кафолатланганлиги долзарб масалага айланмоқда. Ўзбекистон банкларидаги кафолатлаш тизимининг ҳозирги ҳолати ҳам бундан мустасно эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳасида омонатларни кафолатлаш тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, банк тизимининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш, уни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун иқтисодий инқирозларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш мақсадида кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси (200 млн. сўм) белгиланмоқда. Бунда омонатларнинг амалдаги ҳолати тўлиқ таҳлил қилинди.

Хусусан, ушбу миқдор бугунги кунда мамлакатимизда 99,7 фоиз омонатчиларнинг банклардаги маблағлари тўлиқ кафолатланишини таъминлайди.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, кафолатланган омонат миқдорининг чеклангани билан банклар фуқаровий жавобгарликдан озод этилмайди ва улар омонатчилари олдида ўзининг мол-мулки билан жавобгар бўлишади. Бу — омонатчилар пул маблағларининг кафолатланган ҳажмдан ошган қисмини ҳам банкдан талаб қилиш ҳуқуқига эга, дегани.

Йиғилишда ташаббускорлар депутатларнинг эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Таъкидландики, кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси муайян шахснинг фақат битта банкдаги омонатига татбиқ этилади, яъни ушбу шахс бир вақтнинг ўзида бир нечта банкларда ўз омонатларига эга бўла туриб, мазкур банкларнинг барчаси тугатилган тақдирда ҳам қонун лойиҳаси билан яратилаётган тизим барча омонатларни бир хилда кафолатлайди.



Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун у кучга кирган санадан илгари банкларга жойлаштирилган омонатларга татбиқ этилмайди, яъни банкка қўйилган суммадан қатъи назар, улар тўлиқ кафолатланади. Шу билан бирга, банк тугатилган тақдирда омонатларни қайтариб бериш ҳозиргидай узоқ вақтни талаб қилмайди, яъни қонун билан омонатларни 7 иш кунида қайтариб бериш тартиби жорий этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Кичик саноат зоналари иштирокчиларига бино ва иншоотларни хусусийлаштириш ваколати берилмоқда

"Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча киритиш ҳақидаги"ги қонун лойиҳаси ҳам парламент қуйи палатаси мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунда кичик саноат зоналари иштирокчилари томонидан инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилганда, кўчмас мулк объектларини, жумладан, бино ва иншоотларни тўғридан-тўғри бозор қийматида хусусийлаштириб олиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Худди шундай ҳуқуқий бўшлиқ ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорлик фаоллигини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали кичик саноат зоналари иштирокчиларига бино ва иншоотларни хусусийлаштириш ҳуқуқи вужудга келади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар киритилишини жадаллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаоллигининг ошишига хизмат қилади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Шаффофлик қачон таъминланади?

Қонунчилик палатасининг шу йил 2 июль куни бўлиб ўтган мажлисида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Ш. Ҳидоятовга "Қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлаш ва қурилиш ишларини кузатиб бориш учун жамоатчиликка имконият яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Унда фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, "Огоҳ фуқаро" ҳамда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими электрон платформалари ва геопорталдан фойдаланиш тизимининг самарадорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш сўралганди.

Мажлисда депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни атрофлича кўриб чиқди.

Парламент сўрови бўйича келган жавобда таъкидланганидек, бугунги кунда фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, объектларда аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи "Огоҳ фуқаро" электрон тизими йўлга қўйилган. Фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида "OneID" — Ягона идентификация тизимига интеграция қилинган.

Депутатлар томонидан ушбу тизим жойларда ноқонуний ва сифатсиз қурилишларни аниқлашда самарали жамоатчилик назорати ўрнатиши урғуланди.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим этилгани эътиборга олиниб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## «Ҳукумат соати»

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди.*

Унда депутатлар "Шаҳарсозлик бўйича миллий стандартлар, замонавий қурилиш технологиялари, рақамлаштириш жараёнлари, шунингдек, соҳадаги давлат назоратини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди.

Кун тартибидаги ушбу мавзу юзасидан депутатларнинг саволларига Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Ш. Ҳидоятов жавоб берди.

Шунингдек, халқ вакилларининг сайлов округларидаги учрашувлари, аҳоли билан мулоқотларида сайловчилар томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан саволларига жавоблар олинди.

Мажлисда депутатлар томонидан "Ҳукумат соати" кун тартибига қурилиш соҳасига оид долзарб вазифаларнинг киритилганлиги ўз вақтида ва тўғри бўлганлиги қайд этилди.

Яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилгани, мазкур қонун шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кўпайиб бораётган ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга, қурилишлар сифатини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Савол-жавобларга бой бўлган "Ҳукумат соати"да депутатлар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, хусусан, қурилаётган кўп қаватли уйларда ноқонуний қўшимча қаватлар қуришнинг олдини олиш, бошқарув сервис компаниялар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, уй-жой массивларида автотураргоҳлар барпо этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Муҳокама сўнгида кун тартибидаги масала юзасидан парламент назорати таъсирчанлигини янада оширишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, чет эл инвестицияси иштирокида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 13 880 тани ташкил этди.**

***Ғилдиракнинг яратилиши техника тараққиётининг ибтидоси, десак, муболаға бўлмайди. Аввалига арава, кейинчалик темир йўл ва ниҳоят, автоулов унинг асосида яратилиб, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилаётган ушбу ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланиш махсус қоидалар билан тартибга солинаётганига ҳам юз йилдан ошиб кетди. Бироқ ҳар йили минг-минглаб кишилар ушбу қоидаларга риоя этмаганлиги сабаб ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам бор гап. Миллионлаб одамлар ногирон бўлиб, тўшакка михланиб қолмоқда. Расмий маълумотларга кўра ҳар йили мамлакатимизда уч мингга яқин кишилар йўл-транспорт ҳодисалари қурбони бўлиб, уларнинг 12 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этаётгани ачинарлидир.***

# МАНМАНЛИК ВА ШОШҚАЛОҚЛИК ОРТИДАГИ ФОЖИА



ОГОҲЛИК

## Муаммо фақат йўлнинг ҳолатига боғлиқ эмас

Эътибор қилганмисиз, каттаю кичик трассаларда ҳайдовчилар рўпарасидан келаётган ҳамкасбини "кўз қисиб" (фараларни ёқиб-ўчириб) қаршингда радар ёки "ГАИ" бор, дея огоҳлантириб ўтади. Ҳушёр тортган ҳайдовчи тезликни камайтириб, хавфсизлик камарини тақиб олади.

Яқин ўтмишнинг бу "анъана"сини ҳайдовчиларнинг бирдамлиги сифатида қабул қилиш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда бундан кўпчилик ёмонлик ахтармайди. Аслида, ушбу огоҳликка чорлов билан қанчадан-қанча рецидив қоидабузарлар жаримадан қутулиб қолади. Ўтиб олгач, "темир от"ига яна "қамчи тортади". Кўза эса ҳар куни синавермайди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ўрганишларида айтилишича, мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг қарийб ярми йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик оқибатида рўй берар экан.

Шу ўринда узоққа бормай жорий йилнинг 9 июнь куни Навбаҳор — Нурота автомобиль йўлида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасини эсга олайлик. Унда "Gentra" ҳайдовчиси ўзи билан бир йўналишда кетаётган "Damas" машинасини қувиб ўтмоқчи бўлиб, рўпарасидан ҳаракатланиб келаётган "Onix" билан тўқнашиши оқибатида шу автомобилда бўлган бир оиланинг 5 аъзоси, яъни 36 ёшли эркак, унинг 58 ёшли онаси, турмуш ўртоғи, 2 ёшли ўғли ҳамда 2 ойлик қизи, шунингдек, "Gentra" ҳайдовчиси вафот этади.

Ваҳоланки, ЙТҲ содир бўлган ушбу ҳудудда қувиб ўтишни тақиқловчи йўл белгиси ўрнатилган. Боиси маълум масофада қарама-қарши тарафдан келаётган транспорт воситаси кўринмайди. Айнан мазкур ҳудудда уч-тўрт йил аввал шу каби пешма-пеш тўқнашув оқибатида ғозғонлик тўрт йигит ЙТҲ қурбони бўлган эди. Ўша ҳудудда йўлни бир-икки метрга пасайтириш фалокатларнинг олдини олар, деган фикр хаёлингиздан ўтган бўлса, ажаб эмас. Бироқ барча муаммо йўлнинг ҳолатида эмас. Ишонмасангиз, Қалқонота қўрғонида истиқомат қиладиган онахоннинг сўзларига эътибор беринг.

— Қишлоғимизни кесиб ўтган катта йўл яқинда тўлиқ таъмирланиб, кафтдек текис бўлди, ёритиш чироқлари ўрнатилди, — дейди Маҳкам ая. — Бошида жудаям хурсанд бўлган эдик. Лекин энди болаларимиз кўчага чиқса, юрак ҳовучлаб ўтирамиз. Бу йўлдан айрим машиналар катта тезликда ўтишни канда қилмайди. Ёки тун ярмидан оққанда автопойга бошланади...

Ҳақиқатан ҳам, айримлар учун автоулов манзилдан-манзилга етиб олиш воситаси эмас, ўзини кўрсатиб қўйиш манбаига айланиб қолмоқда.

> **! 1 июль куни Хатирчи туманида соатига 142 километр тезликда ҳаракатланган "BYD" русумдаги автомобиль тагида қолиб кетган 9 ёшли қизча шу каби манманлик, худбинлик қурбони бўлди...**

Демоқчи бўлганимиз, мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва равонлигини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белгилар ёрқинроқ акс эттирилаётир. Бу фуқароларимизга яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бироқ бу ўринда гап йўлларнинг текис ёки нотекислигида эмас, аксинча, айрим ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига беписандлиги ҳақида бормоқда. Акс ҳолда одамлар ҳаракатланиш 30 км/соат этиб белгиланган маҳаллалар ичидаги теп-текис йўлларда сунъий тўсиқлар ўрнатиб олмасди.

## Қоидабузарлик кулфат келтиради

Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари қаторидан ўрин олди. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпайди. Албатта, ўз уловингда манзилга беташвиш, беминнат етиб олганга не етсин! Бироқ аксарият фуқароларимиз хавфсизлик камаридан фойдаланишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Ваҳоланки,

> **! Ўзбекистон ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганларнинг 96 фоиздан ортиғи хавфсизлик камарини тақмаган.**

Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар орқада ўтирган йўловчилар хавфсизлик камарини тақишса, олдинги ўриндиқларда ўтирган йўловчиларнинг кўпчилиги автоҳалокатда омон қолиш, акс ҳолда эса ҳалок бўлиш эҳтимоли юқори. Мазкур таҳлилни ЙҲХ ходими ҳайдовчига айтиб огоҳлантирса, у ҳеч бўлмаганда, маломатга қолиши турган гап. Аслида эса хоҳ ҳайдовчи бўлсин, хоҳ йўловчи шу арзимас қоидабузиш орқали қайсидир хонадонга кулфат келтираётганини билмайди, деб ўйлайсизми?! Билади, шунчаки, бўйин ёр бермайди. Ўзини камситилгандек, хавфсизлик камари тортилса, ғурури топталгандек ҳис этади.

Таҳлиллар (Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасидаги эшитув) шуни кўрсатадики, ЙТҲлардаги аянчли ҳолатларнинг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги оқибатида содир бўларкан. Мамлакатимизда 2023 йилда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 2 282 фуқаро ҳалок бўлганини инобатга олсак, демак, камида минг киши қоидабузарларнинг касофати туфайли ҳаётдан эрта кетган.

> **Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ЙТҲлардаги аянчли ҳолатларнинг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги оқибатида содир бўларкан.**

Икки йил аввал репетитордан қайтаётган ўн тўрт ёшли ўсмир ўлимига сабаб бўлган ЙТҲни навоийликлар ҳали-ҳамон эсдан чиқаргани йўқ. Маст ҳайдовчи уни уриб, қочиб кетгач, ўспирин бир ярим соатча ўлим билан олишган. Ҳайдовчининг дастлабки терговда "Нима бўпти, бир-икки йил ўтириб келаманда", деган сўзлари ижтимоий тармоқларга жойлангач эса жуда кўплаб изоҳларда обуначилар унга олий жазони талаб қилишгани рост.

Суд томонидан ҳайдовчига нисбатан қонунчилигимизда белгиланган тартибда адолатли қамоқ жазоси тайинланди. Ўзи таъкидлаганидек, у ўша муддатни ўтириб, қайтиб ҳам келар. Бироқ бир оиланинг фарзандини энди қайтариб бўлмайди. Аксинча, ўша касофат ушбу оилага кулфат эшикларини очди — ота жудоликни кўтара олмади, она эса ногирон бўлиб қолди.

Шукрки, орамизда бундай касофатлар кам. Бироқ кўпга озор етказиб, офат келтирувчи кишиларга "кўз қисиб" ҳимоя ва рағбат бераётганлар эса кулфат ўз дарвозасидан мўраламагунча буни билмайди.

## Эҳтиёт бўлинг, болалар!

Эътибор қилганмисиз, оналаримизнинг алласида аллақандай мунг бор. Ҳазин оҳангда улар фарзанди камолоти йўлида юртга тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик, элга осойишталик, инсоф ва диёнат истаб, самимий тилаклар билдиради.

Шу нуридийдага кун келиб, ушбу фарзанди бир нокаснинг шошқалоқлиги қурбони бўлиши мумкинлиги ҳақида сўзлаб кўринг-чи... Камида "Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин", деган гапни эшитасиз. Ваҳоланки, сизнинг сўзларингиз башорат эмас, оддий огоҳлик, хавотир тартибида бўлиши мумкин. Лекин барибир, эшитган қулоққа ёқмайди. Ахир куни кеча Ургутда автоҳалокат қурбони бўлган уч яшар болага ким ҳам ёмонлик соғинибди, дейсиз.

Ҳолат юзасидан маълумот берган Самарқанд вилояти ИИБ ЭКМнинг хулосасига кўра автомашинанинг руль бошқаруви ва ишчи тормоз тизими соз ҳолда бўлган. Шунингдек, вилоят ИИБ ЭКМ хулосасида ҳайдовчи машинани фавқулодда тормозлаб, тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисанинг олдини олиш учун техник имкониятга эга бўлганлиги кўрсатилган.

Донишмандлар "Бу дунёнинг барча қувончи бир гўдак лабидаги ним табассумга, барча қайғуси бола кўзидаги бир томчи ёшга арзимайди", дейишади. Болалар — кучли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам. Шу сабабдан ҳам статистик маълумотларнинг аксарияти болаларга нисбатан олиниб, "жумладан, фалон фоизи болалар" иборасига тез-тез дуч келамиз.

Шу кузатув асосида назар солсак,

> **! мамлакатимизда 2024 йилнинг дастлабки беш ойида рўй берган ЙТҲ оқибатида 65 нафар бола нобуд бўлганини кузатиш мумкин.**

Ўшандан буён ўтган икки ой давомида болалар билан боғлиқ яна қанчадан-қанча ЙТҲнинг аянчли оқибатлари гувоҳи бўлмадик, дейсиз. Афсуски, аксарияти юқорида таъкидлаганимиздек, шунчаки йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик туфайли содир бўлмоқда. Шу кетишда бўлса, "Эҳтиёт бўлинг, болалар!" чорловини "Болалар, эҳтиёт бўлинг!" дейишга тўғри келади.

## Секин юрган муродга етар

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2022 йил 4 апрелда "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда йўл ҳаракати қоидалари асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий қилиш — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланган. Ўтган давр мобайнида мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича 6 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Афсуски, йўл-транспорт ҳодисалари камайиб боришида сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиш ўрнига аянчли ҳолатлар совиб улгурмасидан янгиси одамларни ларзага солмоқда. Кимдир жазо чораларини, яна биров ҳайдовчилик ҳуқуқи бериш талабини кучайтириш таклифини илгари сурмоқда. Бироқ дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, қонунга итоаткорликни таъминлашда қўрқувдан кўра ҳуқуқий маданият юксаклиги, оддий инсоний муносабатлар устуворлиги яхши самара беради.

Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, йўл-транспорт ҳодисаларининг 45 фоизи қоидаларни менсимаслик туфайли рўй бергани ҳолда, уларда тажрибасизлик омили бор-йўғи 10 фоизни ташкил этади.

Тўғри, йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш — ички ишлар органлари ходимларининг бош мақсади. Бироқ юқоридаги мисоллардан хулоса шуки, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш нафақат соҳа ходимлари, балки барчанинг бирдек вазифаси бўлиши зарур. Акс ҳолда, йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибати ҳаётимизга таҳдид солаверади.

Унутмайлик, қонунларни ҳурмат қилиб, қоидаларга риоя этувчиларнинг йўллари доимо равон бўлади. Ниятимиз — уйдан чиққан ҳар бир инсон борки, талабларга амал қилиб, уйига, оиласи бағрига соғ-саломат қайтсин! Бу хайрли ишга ҳаммамиз биргаликда камарбаста бўлайлик.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

# ТАФСИЛОТЛАР

## «Мурожаатдан — даромадга»

*Денов туманидаги "Дендрарий" экобоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасининг "Мурожаатдан — даромадга" лойиҳаси доирасида Сурхондарё вилоятидаги 505 нафар ишсиз хотин-қизга замонавий тикув машиналари топширилди.*

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари — Президент Халқ қабулхонаси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев иштирок этиб, мамлакатимизда бандлик ва аҳоли даромадларини ошириб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

Тантанали тадбир давомида Узун, Денов, Сариосиё ва Олтинсой туманларининг ҳар бирига юздан, Шўрчи туманига 105 та тикув машинаси топширилди.

## Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот



*Қорақалпоғистон Республикаси Тупроққалъа тумани ҳокимлигида Хоразм вилояти прокурори М. Аҳмедовнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.*

Унда тадбиркорлар томонидан, асосан, имтиёзли кредитлаш, ер ва нотурар объектлар кадастри масалаларида мурожаатлар билдирилди. Ҳар бир масалани қонуний ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилиб, ижроси прокурор назоратига олинди.

Ўз навбатида, тадбиркорларга яратилган шароитга муносиб иш ўрни яратиш ва ишсизликка биргаликда барҳам бериш зарурлиги қайд этилди.

## Интеллектуал логистикани ўқитиш платформаси

*Хитойнинг Тяньзин денгизчилик коллежи ҳамда Тошкент давлат транспорт университети раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Лубан устахонасининг иккинчи босқичи — объектни қуриш лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.*



Учрашув якунида қиймати 69 минг АҚШ долларига тенг бўлган "Интеллектуал логистикани ўқитиш платформаси" номли илмий-амалий лаборатория ускуналарини Ўзбекистон томонига топшириш бўйича келишув имзоланди.

## Халқаро ҳайкалтарошлик симпозиуми

*Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида "Тошкент — 2024" III халқаро ҳайкалтарошлик симпозиумининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*



Тадбирда қайд этилганидек, симпозиумда 20 нафар хорижлик ва 6 нафар маҳаллий ҳайкалтарош қатнашяпти. Тажрибали, маҳоратли ҳайкалтарошлар томонидан "Ҳайкалтарошлик ва атроф-муҳит" мавзуида тошдан ижод асарлари яратилади. Ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари, амалий машғулотлар ташкил этилади, "Устоз — шогирд" анъаналари намойиш қилинади.

**«Халқ сўзи».**

**Анъанага мувофиқ, шу ойда «Устозлар миллий форуми» ўтказилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6